

**Агросаноатни ривожлантириш агентлиги томонидан 2025 йил 1-чоракда  
амалга оширилган ишлар тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

Республикада саноатлашган боғлар барпо қилиш, маҳсулотларни қайта ишлаш, қуритиш, субъектларга субсидия ажратиш, тайёр ҳолда боғлар барпо этиш, замонавий иссиқхоналар ташкил этиш, хорижий мутахассисларни жалб этиш, жойларда ташаббускорларга амалий ёрдам бериш ҳамда қўшилган қиймат занжирини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

**1. Интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 сентябрдаги ПФ-151-сон Фармонида асосан **2024-2025 йиллар давомида** жами **43,2 минг гектар** (2024 йил **14 минг гектар** ва 2025 йил **29,2 минг гектар**) саноатлашган интенсив мевали боғ ва токзорлар барпо этиш белгилаб берилган.

**2024 йил** куз ойларида республикада **1325 та** субъектлар томонидан жами **14,2 минг гектар** (шундан, **11,0 минг гектар** мевали боғ ва **3,2 минг гектар** узумзорлар) барпо этилди.

**11,0 минг га** боғларнинг **2,2 минг га** олма, **1,8 минг га** гилос, **1,4 минг га** ўрик, **1,3 минг га** шафтоли, **1,2 минг га** бодом, **1,1 минг га** олхўри, **1,1 минг га** писта, **181 га** ёнғоқ, **166 га** нок, **95 га** беҳи, **94 гектари** олча, **94 га** анор, **26 га** анжир, **15 га** фундук ва зайтунларни ташкил қилади.

**2025 йил давомида** республика бўйича **3017 нафар** субъектлар томонидан жами **29,2 минг гектар** (шундан, **14,0 минг га** тоғ олди ва қир адирлик, **15,2 минг га** самарасиз боғ) саноатлашган боғ ва токзорлар барпо этиш режалаштирилган бўлиб, **жорий йил баҳор мавсумида 17,7 минг гектар** (шундан, **12,3 минг гектар** мевали боғ ва **4,4 минг гектар** узумзорлар) барпо этилди.

**12,3 минг гектар** боғларнинг **3,4 минг га** олма, **1,7 минг га** шафтоли, **1,4 минг га** гилос, **1,4 минг га** олхўри, **1,4 минг га** бодом, **1,3 минг га** ўрик, **415 га** ёнғоқ **318 га** анор, **288 га** олча, **237 га** писта, **134 га** нок, **116 га** беҳи, **101 га** анжир, **12 га** фундук ва зайтунларни ташкил қилади.

Ушбу боғ ва токзорларни барпо этиш учун жами **28,8 млн дона**, шундан, **19,6 млн дона** мевали ва **9,1 млн дона** узум кўчатлари талаб этилади.

Республикада фаолият юритаётган **66 та кўчатчилик** хўжаликларда **7,8 млн** дона мевали ва **7 млн** дона ток кўчатлар ҳамда **9 та “in-vitro”** лабораторияларда **1,3 млн дона** мевали, **1,1 млн дона** ток кўчатлари етиштирилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2025 йилда саноатлашган интенсив боғ ва токзорларни барпо этиш учун жами **2,8 трлн сўм** (шундан, ўз маблағи **2,3 трлн сўм**, банк кредит **401 млрд сўм**, ХМИ маблағлари **1,3 минг долл** ва хорижий инвестиция маблағи **55,3 минг долл**) маблағ талаб этилиши ҳисоб-китоб қилинди.

Республикада 2024-2025 йилларда жами **27,6 минг** гектар яроқсиз ва самарасиз боғ ва **12,7 минг** гектар узумзорлар реконструкция қилинди.

*Мисол учун: 2,5 минг га ўрик, 3 минг га олма, 1,3 минг га шафтоли, 906 га олхўри, 598 га гилос, 359 га олча, 925 га бодом, 511 га ёнғоқ, 116 га анор, 91 га нок, 77 га беҳи, 15 га pista ва 6 га хурмо боғлари ҳамда 5 минг га хўраки, 1,5 минг га кишмишбоп, 607 га саноатбоп тоқзорларда бузиш ишлари амалга оширилди.*

## **2. Йирик лойиҳаларни амалга ошириш.**

Наманган вилояти Поп туманида **4 минг** гектар, Самарқанд вилояти Булунғур туманида **500 гектар**, Навоий вилояти Хатирчи туманида **50 гектар**, Андижон вилояти Қўрғонтепа туманида **428 гектар**, Фарғона вилояти Фарғона тумани **200 гектар**, Сурхондарё вилояти Термиз туманида **167 гектар** саноатлашган инетнсив мевали боғ барпо этиш режалаштирилган.

Бугунги кунда Поп туманида **47 гектар**, Булунғур туманида **250 гектар**, Қўрғонтепа туманида **150 гектар**, Фарғона туманида **23,5 гектар** ва Термиз туманида **52 гектар** ҳамда Оҳангарон туманида **30 гектар** тайёр ҳолдаги саноатлашган интенсив боғ ва узумзорлар барпо этилди.

Тошкент вилоятида **10,6 минг** гектар ер майдонларида замонавий боғлар ташкил қилиш юзасидан мастер режа ишлаб чиқилди.

*Вилоятида 10,6 минг гектар ер майдонларида жумладан, 7,7 минг гектар мевали боғ ва 2,9 минг гектар узумзорлар барпо этиш юзасидан 3 йиллик дастур ишлаб чиқилиб.*

## **3. Дўстлик боғларини ташкил қилиш.**

Тожикистон Республикаси Ҳисор вилоятида **50 гектар** Сўғд вилоятида **20 гектар**, Озарбайжон Республикаси Фузулий районида **100 гектар**, Афғонистон Республикаси Хирот вилоятида **100 гектар**, Қирғиз Республикаси Бишкек ҳудудида **50 гектар** “Дўстлик боғини” ташкил этиш белгиланган. (Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 февралдаги 74-F-сон Фармойиши)

Агентлик ҳузуридаги “Агросаноат инноваторлари” МЧЖ Тожикистон Республикасининг Ҳисор вилояти Шарора ҳудудида **20 гектар** Сўғд вилояти Ваҳдат миллий боғида **50 гектар** майдонга **46,2 минг** кўчат етказиб берилиб, экилди.

*Қолган давлатларда ажратиладиган ер майдонлари ўрганилмоқда.*

## **4. Иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш бўйича.**

Республикада 2024-2025 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда барча қишлоқ хўжалиги ва фермер хўжалигидаги **иссиқхона хўжаликлари хатловдан (инвентаризация) ўтказилди.**

Натижада **3 015 та** иссиқхона хўжаликларидаги **5 120 гектар** иссиқхоналар фаолиятда эканлиги аниқланди.

Шу билан бирга 2024 йил сентябр-декабрь ойларида **100,6 минг тонна** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди ва 2025 йил январ-июн ойларида

**225 минг тонна** маҳсулотлар етиштириш прогнози белгиланиб, амалда йил бошидан **147 минг тонна** маҳсулотлари етиштирилди.

#### **5. Кам таъминланган аҳоли ҳонадонларига кўчатлар етказиб бериш.**

Республика бўйича кам таъминланган **200 минг та** хонадонга (ҳар бир хонадонга 10 дондан) жами **2 млн дона (36 млрд сўмлик)** хурмо ва анжир кўчатларини етказиш ва экиш режалаштирилиб амалда “Агробанк” билан ҳамкорликда **7 та** вилоятга жами **319,8 минг дона (237,1 минг дона хурмо, 82,7 минг дона анжир) 6,5 млрд сўмлик** кўчатлари етказиб берилди.

Тошкент вилояти Қўйичирчиқ туманида **2 та** МФЙдаги (Галаботир ва Чақмоқ) жами **50 та** хонадон танлаб олиниб серхосил касалликка чидамли Польша давлатидан келтирилган **Polka** навли малина кўчатлари аҳоли хонадонларига экиб берилди.

Сурхондарёга **71,1 минг дона** Қашқадарёга **75,2 минг дона** Самарқандга **133,3 минг дона**, Жиззахга **11,6 минг дона**, Сирдарёга **8,6 минг дона**, Навоийга **13,9 минг дона 342,6 млн сўм**, Бухорога **6,1 минг дона** кўчатлар етказиб берилди

#### **6. Шок усулида музлатишлойиҳалари.**

Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган **51 та** туманда АҚШнинг “Air Products” компанияси билан ҳамкорликда қуввати **100,6 минг тонна бўлган** жами **38 та** лойиҳалар шакллантириш ишлари олиб борилмоқда.

**Тошкент давлат аграр университетида** шок усулида музлатишни йўлга қўйиш бўйича 20 май куни тақдимот ўтказилади.

#### **7. Субсидия ва ссуда маблағлари бўйича.**

Агентлик жамғармаси томонидан 2024 йилда **65 та** тадбиркорлик субъектларига **11,5 млрд.сўм** субсидия маблағлари ажратилди ва самарасиз боғ тоқзорларга субсидия ажратиш олди олиниб **95 млрд.сўмдан** ортиқ маблағлар тежаб қолинди ва бюджет ҳисобида қолдирилди.

Интенсив мевали боғ ва узумзорлар учун **5 турдаги** субсидиялар жорий қилинди.

Томчилатиб суғориш тизимлари ўрнатгани учун **1 гектар** учун **16 млн сўмдан** ошмаган миқдорда, сув тежовчи технологияларни қўллаш учун сув қувурларининг ўлчамидан (диаметри) келиб чиқиб, **40 минг сўмдан 250 минг сўмгача**, «in-vitro» усулида яратилган мевали пайвандтагли кўчатларни сотиб олиш харажатлари учун харажатларнинг **50 фоизи**, бироқ ҳар бир мевали пайвандтагли кўчатга **25 минг сўмдан**, узумнинг данаксиз ва янги нав кўчатларига **7,5 минг сўмдан**, маҳаллий узум кўчатларига **2 минг сўмдан** ошмаган миқдорда субсидиялар тақдим этиш лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон иқлимига мослаштирилган экспортбоп вирусдан ҳоли кўчатларнинг каталоги ишлаб чиқилди.

**24 турдаги нектарин, 15 турдаги шафтоли, 9 турдаги анжир, 27 турдаги ўрик, 6 турдаги узум ва олхўри** ҳамда **9 турдаги олма** жами **96 турдаги** мевали кўчатларнинг коллекцияси шакллантирилди.

#### **8. Боғларни рақамлаштириш.**

Республика ҳудудларидаги барча боғ ва токзорларни рақамлаштириш мақсадида мобил илова ва палатформалар ишлаб чиқилди. Шу билан бирга мева етиштирувчилар рейтинг кўрсаткичлари платформаларда ёритиб борилмоқда.

#### **9. Кўчатчиликда сертификатлаш тизимини жорий қилиш.**

Соҳага таълуқли бўлган мутахассислар билан биргаликда Италия, Франция, АҚШ, Испания, Аргентина ва Чили давлатларининг мева-узумчилик ҳамда кўчатларни етиштириш, шунингдек сертификатлаштириш тизимини ўрганиб, ушбу тажрибатларни республикага жорий этиш учун мева ва ток кўчатларини сертификатлаштириш тартиблари ишлаб чиқилди.